



ISSN 2181-6833

# PEDAGOGIK MAHORAT'

3  
2019



## МУНДАРИЖА

<b>PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA .....</b>	<b>7</b>
Елена СЕМЕНОВА. Об основаниях развития интеллектуального капитала .....	7
Муяссар МАХМУДОВА, Дилноза БЕГМАТОВА. “Касбнинг ёмони йўқ” ақидаси негизига қурилган халқ идроки .....	10
Азамат ОБИДОВ. Вебинар технологиялари асосида ташкил этилган курсларнинг жорий этилиши ва амалий натижалари .....	13
Махматмурод ШОМИРЗАЕВ. Миллий каштадўзликда фанлараро спектрал – вариатив компонентларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	17
Gulchehra IZBULLAYEVA. Burhoniddin Rabg'uziy va uning odob-axloq haqidagi qarashlari .....	21
G'olibjon JUMAQULOV. O'quvchilar intellektual sifatlarini tarbiyalashda geometriya fanini o'qitish texnologiyalari .....	24
Мажид ИННАЗАРОВ. Олий таълим тизимидағи ёш раҳбар кадрларнинг касбий компетентлик тамойилининг ўзига хослиги.....	27
Шаҳноза САМИЕВА. Ёшларда ижодкорлик ва креативлик қобилиятларини ривожлантиришининг мухим йўналишлари .....	30
Lutfillo ABDUNAZAROV. Milliy ta'lif tizimida ekologik ma'naviyatli shaxsni tarbiyalash .....	33
Akbar GULBOYEV. Harakatlar strategiyasi – buyuk kelajagimizning yangi bosqichi .....	36
Guljaya HABIBOVA. Xalq pedagogikasi - tarbiya manbai .....	39
Amina RO'ZIQULOVA. O'zbek oilalarida nikoh-oila munosabatlari mustahkamligini ta'minlanishda milliy qadriyatlarning ahamiyati .....	43
Gulshan Saidnazarova. Bo'lajak mutaxassislarda kasbiy madaniyatni shakllantirish omillari .....	46
Manzura OCHLOVA. Tasavvuf ta'lifotida inson kamoloti .....	49
Анвар НУСРАТОВ. Булажак ўқитувчиларда касбий педагогик маҳоратни шакллантириш .....	53
Dildora TOSHEVA. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ekologik tarbiyalash zarurati .....	57
O'lmas QURBONOVA. Zamonaviy ta'lif va modul – kredit tizimi .....	61
Хусниддин ХОМИДОВ. Талабаларни ватанинварварлик руҳида тарбиялаш йўналишлари .....	64
Mavjudha YULDASHEVA. Ta'lif oluvchilarining salomatligini muhofaza qilish va mustahkamlash jarayonini modellashtirish .....	67
Муниса НАЙИМОВА, Баҳром МАДРИМОВ. Алишер Навоий – мусиқашунос .....	70
Ойбек ОРТИҚОВ. Мактабда тарих фанини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш: муаммо ва ечимлар .....	72
Үйғун УРИНОВ. Олий таълимда ижтимоий ҳамкорлик доирасида талабанинг касбий куникима ва малакаларини шакллантириш методикаси .....	76
Yo'Ichi ABDULLAYEV. Ta'lifning faol shakl va metodlarini takomillashtirish qonuniyati .....	80
Хусен САФОЕВ. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида ўқувчиларнинг баркамоллигини таъминлаш воситалари .....	83
Улугбек МАМУРОВ. Умумий урта таълим мактаблари фаолиятини бошқаришда педагогик мақсадни белгилаш .....	86
Абдурафик ВАЛИЕВ. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш усуллари ва воситалари .....	92
Абдулазиз САМАДОВ. Ўқувчиларда миллий онгни шакллантиришининг ўзига хос хусусиятлари .....	95
Лазиз НУРУЛЛОЕВ. Булажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлаш .....	99
Фурқат ЖУМАЕВ. Оиласда китобхонликни шакллантириш воситасида ўсмирлар маънавиятининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
Toхир НАЗАРОВ. Тарбиявий омиллар воситасида ҳарбий хизматчи хотин-қизлар касбий фаолияти самарадорлигини ошириш .....	107
Аслиддин УЗОҚОВ. Талабаларнинг ватанинварварлик курсаткичлари даражасининг шаклланганлиги ва ривожланганлигини аниқлаш мезонлари .....	110
<b>ГРУППА АДДЕНЕТ .....</b>	<b>115</b>
Таваккал ЧОРИЕВ. Жомий ва Навоий лирикасида доминантали лексемалар ва уларнинг услубий бўёклари .....	115
Nigora KAYUMOVA. learner centered approach is an effective method in education .....	123
Сауле ИШАНОВА. Передача фразеологических единиц в переводе .....	128
Mahbuba MUHAMMADOVA. Hasanxo'ja Nisoriyning Alisher Navoiy haqida adabiy-tanqidiy qarashlari..	131

**Лазиз НУРУЛЛОЕВ**

Бухоро давлатуниверситети  
ҳарбий таълим факультети  
махсус тайёргарлик  
цикл ўқитувчиси



## **БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВГА ТАЙЁРЛАШ**

*Мақолада бўлаҗасак ўқитувчиларни технологик жараёнга тайёрлашида замонавий технологияларни аҳамияти хусусида фикр баён этилган.*

*Калит сўзлар: ўқитувчи, метод, педагогик технология, таълим жараёни, лойиҳа, таълим мақсади, билим, кўнишка, малака.*

*В статье изложено значение современных технологий в подготовке будущих учителей к технологическому процессу.*

*Ключевые слова: учитель, метод, педагогические технологии, образовательный процесс, проект, цель образования, знания, навыки, квалификация.*

*The article describes the importance of modern technologies in the training of future teachers to the technological process.*

*Key words: teacher, method, pedagogical technologies, educational process, project, purpose of education, knowledge, skills, qualification.*

Ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар даврида жамият ҳаётига янгиликларнинг кириб келиши, инсон меҳнатининг такомиллашиши, қулайликка эга бўлиши, янгиланиб боришига бўлган эҳтиёж таълим соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда. Ҳозирги кунга келиб таълим соҳасида шу даврчча эришилган ютуқларни асраб-авайлаган ҳолда маълум стереотиплардан воз кечиши вақти келди. Барча соҳаларда янгиланиш давом этаётган бутунги кунда мутахассисларни етишиши соҳасига ҳам янгилик киритиш таълим жараёнига янгича, технологик ёндашишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да “Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлап давом эттирилади, ўкув-тарбия жараёни юқори сифатли ўкув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади”-дейилган [1, 41].

Таълимда илғор педагогик технологияларни қўпладаш учун технология тушунчасининг мазмунини чукур англаш керак. Технология - юононча сўз бўлиб, «tehne»-маҳорат, санъат, «logos»- тушунча, таълимот маъноларини англатади.

Технология тушунчаси - тайёр маҳсулот олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуи; шундай усул ва методларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи фан сифатида таърифланади.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг таркибий қисми бўлган амаллар - материалларни қазиб олиш, ташиб, тартибга солиш, саклаш ва бошқалар ҳам технология дейилади. Технологияга ишлаб чиқариш жараёнларини тасвирлаш, уларни бажариш бўйича кўлланмалар, техник қоидалар ва талаблар, графиклар ҳам киради.

Демак, технология - бу ишлаб чиқаришнинг маълум бир тармоғида, ишлаб чиқариш жараёнларининг мажмуи, шунингдек, ишлаб чиқариш усусларининг илмий тасвифланиши демакдир.

Педагогика фани ва амалистида қўлланилаётган “педагогик технология” атамаси инглизча “an educational technology” сузидан олинган булиб, айнан таржимаси “таълим технологияси” деган маънони билдиради.

Ўкув юртига талаба ёки ўкувчи билим олиш учун келади, ўқитувчи эса талабага билим беришдан ташқари, унга билим беришнинг энг қулай, самарали йўлларини излаб, таълим жараёнини ташкил этади. Бундай фаолиятни таълим технологияси деб ҳам аташ мумкин. Таълим технологияси ёки педагогик технологияда педагог таълим беришнинг турли йул, усусларини ўз фаолиятига жорий этиш билан бирга бу жараённинг натижаси беришига ишонч ҳосил қилиши керак. Бу эса, ўз-ўзидан педагогик технология тушунчасига таъриф беришни тақозо этади.

Педагогика фанида педагогик технология тушунчасини таърифлашда ҳали ягона бир фикрга келинмаганлиги бир қанча адабиётларда таъкидлаб ўтилган. Лекин шунга қарамасдан педагогик технология ҳақида бир қатор таърифлар мавжуд.

В.П.Беспалько: «ҳар қандай фаолият ёки технология, ёки санъат булиши мумкин. Санъат ичи (интуиция)га, технология эса фанга асосланади. ҳаммаси санъатдан бошланади ва технология билан ва яна қайтадан бошланади» - деган эди [2, 3].

Педагогик технология ҳақида бошқа муаллифларнинг ҳам таърифлари мавжуд.

Мавжуд таърифлар таҳлили педагогик технология усулининг мазмунини англаш ва аниқлаш яхали поёнига етмаганлигидан далолат беради. Бу масалага ойдинлик киритиш учун, аввало, педагогик технологиянинг муҳим белгиларини аниқлаш талаб этилади.

Педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиши педагогик технологиянинг муҳим хусуси белгилари қаторида қўйидагиларни кўрсатишга имкон беради:

- таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва синфа үкувчилар билан кайта ишлаб чиқиш;
- тизимли ёндашув асосида талабанинг үкув-билув фаолиятини тавсифлайдиган таълим жойиҳасини тузиш;
- таълим мақсади реал, аник диагностик булиши ва үкувчининг билим ўзлаштириш сисе объектив баҳолаш;
- таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни яхлитлиги, ўзаро боғлиқ ва бир-бирига ўзаро кўрсата олиши;
- таълим шаклларини оптималлаштириш (қулайлаштириш);
- таълим жараённида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш;
- үкувчиларнинг кузатиладиган, аниқланадиган ҳаракатлари сифатида таълим мақсади кўзлаган эталон асосида ойдинлаштириш;
- талабанинг фаоллигига таяниб үқитиш;
- билимларни ўзлаштириш жараённида йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бориш;
- шакллантирувчи ва жамловчи баҳолар;
- белгиланган мезонларга биноан тест топширикларини бажариш;
- таълимнинг режалаштирилган натижасига эришиш кафолатланганлиги;
- таълим самарадорлигининг юқорилиги.

Педагогик технология тушунчасининг мавжуд таърифларини унинг муҳим белгиларини умумлаштирилган ҳолда баён қилиб бердик. Маълумки, мантиқ фанига кўра, тушунчага илмий таъриф бериш учун мазкур таърифда тур ва жинс тушунчалари ўйғунлаштирили таърифланаётган тур тушунчасини жинс тушунчасига кирадиган бошқа хилдаги тушунчалардан фарқи кўрсатувчи муҳим белгилари курсатилиши талаб этилади.

ЮНЕСКО томонидан берилган таърифда “педагогик технология” - тур тушунча, “тизимли меҳинс тушунча тарзида ифодаланган. Таърифда педагогик технология үқитишнинг бошқа усула фарқини кўрсатувчи айрим белгилари ҳам (таълим шаклларини оптималлаштириш, техник воситаларни салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатта олиш; үқитиш ва билим ўзлаштиришнинг жараёнларни аниқлаш, яратиш ва қуллаш) курсатилган.

Лекин бизнинг фикримизча, ЮНЕСКО таърифида педагогик технологияни таълимнинг ёки усуllibаридан кескин фарқини яққол кўрсатувчи: “таълим жараёнига тизимли, технологик ёндашув; таълим мақсадларини ойдинлаштириш, натижасини кафолатлаш”дек муҳим белгила этмаган. Жинс тушунчага сифатида ишлатилган “тизимли метод” атамаси ҳам битта метод (яъни тизимли метод) маъносини билдиради.

Бизнингча, таърифда жинс тушунчага сифатида “методлар мажмуи” атамасини ишлатиш манзужихатдан тўғрироқ булаш эди. Шу мулоҳазалар асосида профессор М.Очилов “педагогик технологияни тушунчага қўйидагича таъриф беришни мақсадга мувоғиқ деб ҳисоблаган: “Педагогик технологияни тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш”дек муҳим белгила этмаган. Жинс тушунчага сифатида ишлатилган “тизимли метод” атамаси ҳам битта метод (яъни тизимли метод) маъносини билдиради.

Педагогик технологияга Н.Саидахмедов: “Педагогик технология бу үқитувчи (тарбиячи) томон үқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида үкувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият махсуси сифатида олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни”-деган таърифни беради

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, биз ҳам таълим технологияси ҳақида таъриф беришга ҳақиқилдик: “таълим технологияси деганда үкувчи ёки талабалар қобилияти, имконияти ва эҳтиёжлаш ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини амалга оширишда кўзланган натижага эришишнинг энг қулай усуllibарини танлаш ва ишлаб чиқиш маҳорати тушунилади”.

Хуллас, педагогик технология – таълим усули, маълум маънода таълим жараёни, воситалари, шаклларни мажмуи. Үкув материалларини танлаш, қайта ишлаб, үкувчиларнинг кучига, ўзлаштириш сисе объектив баҳолашни мослаб шакли, ҳажмини ўзгартириш ҳам таълим технологиясига дахлдор. Педагогик технологияни тушунчага ишлатиш манзужихатдан тўғрироқ булаш эди. Шу мулоҳазалар асосида профессор М.Очилов “педагогик технологияни тушунчага қўйидагича таъриф беришни мақсадга мувоғиқ деб ҳисоблаган: “Педагогик технологияни тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш”дек муҳим белгила этмаган. Жинс тушунчага сифатида ишлатилган “тизимли метод” атамаси ҳам битта метод (яъни тизимли метод) маъносини билдиради.

технология таълимнинг объектив қонуниятлари, диагностик мақсадлар асосида ўкув жараёни, таълимнинг мазмуни, методи, воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизимиридан.

Педагогик технология учун педагогик амалиёт жараёнини белгилаш ва тасвирилаш; ўқувчи ёки талаба келгуси фаолиятида дуч келадиган вазифаларни олдиндан аниклаш; ўқитишининг ҳар бир босқичида таълимнинг мазмуни (ўкув режаси, ўкув элементлари, уларнинг мантикий таркиби, ўкув дастурлари, дарслерлари)ни белгилаш; ўкув юкламаси боланинг кучига мослих даражасини ва талабанинг ўзлаштириш тезлигини аниклаш; таълим-тарбиянинг шакллари ва воситалари (ўкув кулланмалари, таълимнинг техник воситалари)ни тайёрлаш; ўкув жараёнининг мотив компонентини руёбга чиқариш мақсадида предметнинг мазмунига киритиш учун қўшимча равицда вазияти матнлар, тестлар тайёрлаш; шахсда шакллантириш назарда тутилган касбий сифатлар ва маънавий фазилатларни ўзлаштиришга йўналтирилган машқлар тизимини ишлаб чиқиш; таълимнинг натижаси ва ўзлаштириш даражаси, сифатини баҳолаш мезонларига мос равишда талабанинг билим ва малакаларини эгаллаш сифатини объектив баҳолаш учун тест (назорат) вазифаларини тайёрлаш; дарсда ва дарсдан ташқари ўқувчига бериладиган вазифаларни режалаштириш, мустақил машғулотларнинг таркиби ва мазмунини аниклаш кабилар ҳам педагогик технологиянинг вазифалари хисобланади.

Педагогик технологиянинг фан сифатидаги вазифаси таълим-тарбия амалиётида энг самарали ва тежамили ўкув жараёнини, шахсни қасб эгаси сифатида шакллантириувчи педагогик, психологик қонуниятларни аниклаш, шунингдек, фалсафа, социология, физиология, математика, кибернетика, информатика ва бошқа фанларнинг қонуниятларидан фойдаланиш йўлларини аниклашдан иборат.

Педагогик технология назарияси ва амалиёти қўйидаги қонуният ва принципларга таянади:

- таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхлитлиги, бирлиги;
- таълим жараёнини оптималлаштириш: қуляй шароит яратиб, оз вақт, кам куч сарфлаб, юқори натижага эришиш;
- замонавийлик: педагогик амалиётга илмий асосланган дидактик янгиликларни, янги тартиб-коидаларни жорий этиш, таълим мазмунини узлуксиз янгилаб, замонавийлаштириб бориш;
- илмийлик: таълимда янги шакл ва вазиталар, фаол методлар, дидактик материалларни қўллаш, узлуксиз изланиш, тадқикот;
- талаба ва ўқитувчи фаолиятини оқилона уюштириш: ўқитувчи таълим мақсадини, мазмунини пухта билиши, таълим усуслари ва техник воситаларни яхши эгаллаган булиши; ўқувчининг манфаатдорлиги, қизиқиши ва интилувчанлиги;
- педагогик жараёнини жадаллаштириш: ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи дидактик материалларни ишлаб чиқиши ва кенг қўллаш;
- ўкув жараёни учун зарур моддий-техник базани яратиши;
- педагогик жараён натижаларини холисона ва объектив баҳолаш: тест усули, рейтинг тизими, талабанинг билим ва кўнижмаларни эгаллаш жараёнини назорат қилиш, баҳолашни автоматлаштириш;
- таълимнинг табиатта мослиги;
- таълимнинг жамиятга мослашуви ва бошқалар.

Педагогик технология усули тизимли, технологик ёндашувларга асосланади. Педагогик тизим – педагогик технологиянинг асоси, замини хисобланади.

Таълим-тарбиянинг мақсади объектив характерга эга. У ҳар бир жамиятнинг моддий-маънавий эҳтиёжларидан ҳосил бўлади, ижтимоий буюртма сифатида давлатнинг таълим соҳасидаги меъёрий хужжатларида умумий тарзда ифодаланади. Таълим-тарбиянинг мақсади тизим ҳосил килувчилик хусусиятига эга. Педагогик тизимнинг барча қисмлари таълимнинг мақсадига боғлиқ ва уни руёбга чиқаришга хизмат қиласди. Шахсни, мутахассисни шакллантириш мақсади таълимнинг мазмуни (ўкув режаси, ўкув дастури, дарслерлар)ни белгилайди.

Педагогик тизим дидактик вазифа ва таълим технологиясини ўз ичига олади. Таълимнинг мақсади ва мазмуни – дидактик вазифа; дидактик жараён, ўқитувчи ва техник воситалар, таълим шакллари усуслари – таълим технологиясига киради. Педагогик амалиётда дидактик вазифани таълим технологияси ёрдамида ўкувчи, талаба ўзлаштириб олади.

Педагогик технологиянинг моҳияти шундан иборатки, у, биринчидан, таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва сўнгра синфда, аудиторида ўқувчилар билан бирга лойиҳани қайта ишлаб чиқиши назарда тутади. Иккинчидан, анъанавий педагогикада методик ишланмалар ўқитувчи дарс ўтиши учун тузилса, педагогик технология – ўкувчини ўкув-билив фаолиятининг шакллари ва мазмунини тасвирилайдиган таълим жараёни лойиҳасини ишлаб чиқиши таклиф этади.

Учинчидан, педагогик технологиянинг муҳим белгиси – мақсад ҳосил қилиш жараёнидир. Анъанавий пелягогикала “педагогик мақсад” масаласига назарийчилар ҳам, амалиётчилар ҳам кам эътибор бергандар, мақсад – методик адабиётларда ҳам ноаник ифодаланиб, унга эришиш даражаси ҳам субъектив баҳолангандан.

Педагогик технологияда педагогик мақсадни аниклаш асосий муаммо бўлиб, мақсадни диагностик ифодалаш, билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолашни назарда тутилади.

Ниҳоят тұртингидан, таълим жараёни тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхлитлиги -- педагогик технологияни ишлаб чикиш ва амалға оширишнің мұхим принципи ҳисобланади. Яхлитлик принципи, шунингдек, таълимнинг ҳар бир тури буйича бұлажак педагогик тизимнинг лойиҳасини ишлаб чыкаётганды унинг барча элементлари (чорак, семестер, үкүв йили давомида ҳам, шунингдек, бутун таълим даврида ҳам) үзаро алоқадорликда бўлишига эришиш зарур.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” \\ Баркамол авлод--Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
2. Беспалко В.П. Слагаемые педагогических технологий.-М.,1997
3. Очилов М. Муаллим – қалб мемори. Т.: Ўқитувчи, 2001. – 430 б.
4. Сайдахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. –Т.: ЎзМУ, 2003.- 66 б.